

Жаннатда фарзанд кўриш борми?



17:40 / 17.12.2018 13670

Ассалому алайкум! Ҳазрат, менинг саволим шундай эди: жаннатда ҳам кўпайиш (фарзанд кўриш) борми? Агар иложи бўлса, шу ҳақда батафсилроқ маълумот олса бўладиган манбани кўрсатинг.

Жавоб: Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Жаннатда бу дунёдагига ўхшаш кўпайиш йўқ.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўмин жаннатда қачон бола истаса, унинг ҳомиласи ҳам, туғилиши ҳам, ёши ҳам бир соатда у истаганича бўлади», дедилар».

Термизий ривоят қилган. Валлоҳу аълам.